

12-10-2019

TRANSFORMATION AND GLOBALIZATION OF INFORMATION MEDIA

Nodirbek Mamasolievich Kodirov
Researcher at the National University of Uzbekistan

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the [Education Commons](#)

Recommended Citation

Kodirov, Nodirbek Mamasolievich (2019) "TRANSFORMATION AND GLOBALIZATION OF INFORMATION MEDIA," *Scientific Bulletin of Namangan State University*: Vol. 1 : Iss. 12 , Article 16.
Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol1/iss12/16>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

TRANSFORMATION AND GLOBALIZATION OF INFORMATION MEDIA

Cover Page Footnote

???????

Erratum

???????

ISSN:2181-0427

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ИЛМИЙ АХБОРОТНОМАСИ**

**НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК НАМАНГАНСКОГО
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА**



2019 йил 12 сон

АХБОРОТ МЕДИАМАДАНИЯТИ ТРАНСФОРМАЦИЯСИ ВА ГЛОБАЛЛАШУВИ

Кодиров Нодирбек Мамасолиевич

Ўзбекистон Миллий Университети тадқиқотчиси

Аннотация: Мақолада ахборот маданияти трансформацияси ва глобаллашувининг ривожланиш қонуниятлари, ижобий ва салбий оқибатлари глобал ахборот маконини шакллантиришнинг умуминсоний ва “ментал эҳтиёжларини” қондириш контекстида таҳлил қилиниб, объектив шарт-шароитларини, субъектив омилларини ривожлантиришнинг назарий-методологик асослари ва амалий йўналишлари кўрсатилган.

Калит сўзлар: ахборот маданияти, ахборот маданияти глобаллашув, ахборот маданиятини инсонпарварлаштириш, ахборот маданияти парадигмаси, маънавий-ахлоқий қадриятлар, ахборот маданиятини детерминлаштирувчи омиллар, эффектив глобаллашув, аномал глобаллашув.

TRANSFORMATION AND GLOBALIZATION OF INFORMATION MEDIA

Kodirov Nodirbek Mamasolievich

Researcher at the National University of Uzbekistan

Abstract: The article analyzes the developmental laws, positive and negative consequences of the transformation and globalization of information culture in the context of meeting the universal and “mental needs” of the global information space and outlines theoretical and methodological foundations and practical directions for the development of objective conditions and subjective factors.

Keywords: information culture, globalization of information culture, humanization of information culture, paradigm of information culture, moral and moral values, factors that determine information culture, effective globalization, anomalous globalization.

ТРАНСФОРМАЦИЯ И ГЛОБАЛИЗАЦИЯ ИНФОРМАЦИОННЫХ СМИ

Кодиров Нодирбек Мамасольевич

Научный сотрудник Национального университета Узбекистана

Аннотация: В статье анализируются закономерности развития, позитивные и негативные последствия трансформации и глобализации информационной культуры в контексте удовлетворения универсальных и «ментальных потребностей» глобального информационного пространства, а также излагаются теоретические и методологические основы и практические направления развития объективных условий и субъективных факторов.

Ключевые слова: информационная культура, глобализация информационной культуры, гуманизация информационной культуры, парадигма информационной культуры, моральные и моральные ценности, факторы, определяющие информационную культуру, эффективная глобализация, аномальная глобализация.

Ҳозирги даврда дунё давлатларида: ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий, маънавий муносабатлар глобаллашуви, бутун инсониятнинг қадрият мўлжалларини, цивилизациялари тақдирини, у ёки бу томонга ўзгартириш учун зарур объектив шарт-шароит ва имкониятлар яратмоқда. “Бир томондан, дунёда янги ахборот-технология тартиблари шаклланимоқда. Бошқа томондан, йирик давлатлар ўртасидаги манфаатлар кураши кучайиб, жаҳон бозорида рақобат кескинлашмоқда”. [1]

Инсоният тарихий тараққиёти истиқболни белгилайдиган замонавий цивилизациялар глобаллашуви [2] фақат XX аср ўрталаридаи бошлаб илмий тадқиқот объектига айланди ва бу жараёни, ижтимоий феномен сифатида, ўрганувчи махсус “Глобалистика” фани вужудга келди. Ҳозир бу фаннинг дифференциаллашуви натижасида ижтимоий ҳодисалар глобаллашувига оид назарий-методологик асослар, категориялар ва тушунчалар шаклланиб, унинг тарихий босқичларини, йўналишларини, оқибатларини баҳолаш мезонлари ҳақида муқобил илмий таълимотлар тизими аниқланмоқда.

Бу таълимотларга кўра, “глобаллашув” феномени, *бир томондан*, инсоният цивилизацияси ривожланишининг объектив қонунияти бўлиб, унга реал имкониятлар яратмоқда. Хусусан, цивилизацияларнинг (қандай соҳалардалиги ва кўлаמידан қатъий назар) глобаллашув тенденциялари, халқаро ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий ва бошқа муносабатлар: интеграциялашувини, универсаллашувини, интернационаллашувини детерминлаштирувчи сабаб ҳисобланади. *Иккинчи томондан*, унинг салбий натижалари трансформацияси ва глобаллашув қатор янги ижтимоий-сиёсий муаммолар комплексини вужудга келтириб, мавжудларини кучайтирмоқда. Яъни, жамиятга “ахборот босими” таъсирининг салбий оқибатлари: шахс маргиналлашувини, тарихий қадриятлардан бегоналашиб, уларга нигилистик муносабатни, “оммавий маданият” эскалациясини, эгоизмни, космополитизмни, индивидуализмни, этноэгоцентризм, ксенофобия ва бошқа негатив ҳодисалар кўламини кенгайтириб юбормоқда.

Аммо цивилизациялар тарихи глобаллашув жараёнининг бир-бирига зид йўналишларида ижобий оқибатлар нисбатан устуворлигини кўрсатмоқда¹. Зеро, ҳамма вақт: эзгулик ва ёвузлик, бунёдкорлик ва вайронкорлик, яхшилик ва ёмонлик, прогресс ва регресс ва бошқа антиподларида жамият тараққиётининг ижобий ҳодисалар устуворлиги ҳал қилувчи роль ўйнаган. Айниқса, ақлни – ҳиссиётлардан, умуминсоний манфаатларни – индивидуал-шахсий (айниқса, утилитар-меркантил) манфаатлардан юқори қўйилиши умуминсоният барқарор тараққиётнинг ҳозирги босқичини таъминлаган. Шунингдек, замонавий глобал цивилизациянинг ривожланиш тенденцияси бу ҳодисани географик жиҳатдан, “Ғарб” ва “Шарқ”га ажратишни шартли ва нисбий қилиб ўймоқда.

Умуман, глобаллашув жараёнининг ижобий натижалари устуворлашиб, универсал умуминсоний маънавий-маданий қадриятлар, ҳуқуқий-демократик

¹ Глобаллашув жараёнининг ижобий томонлари усуврлигини қонуният тарзида эътироф қилиш керак. Зеро, бу қонуниятнинг объективлиги тадрижий тараққиёт перманентлигини таъминлайди

тамоийлар, ахлоқий нормалар шаклланаётган ҳозирги шароитда, “цивилизациялар” ўртасидаги зиддиятлар кескинлашуви ва глобализацияси, уларнинг ахборот айрибошлаш маданияти “қашшоқлиги”, ноқислиги, номукамаллиги тарзида баҳолаш керак. Яъни қарама-қарши эҳтиёжлар, манфаатлар ва тенденциялар “цивилизациялар тўқнашув”га, қадриятлар конфликтларига сабаб бўлмоқда[3].

Агар, бу зиддиятлар дунёдаги турли этник ва конфессионал бирликларнинг тарихий шаклланиши: сиёсий мавқеи, иқтисодий аҳоли, маънавий-маданий қадрият мўлжалларини ахборот маданияти контекстида таҳлил қилинса, умуман цивилизация йўналишлари, (айниқса, ахборот маданияти) ривожланиш босқичлари ва оқибатлари ҳақидаги қарашларни конкретлаштиради ва уларнинг трансформацияси мазмунини, моҳиятини, функционал аҳамиятини тўғри англашга ёрдам беради.

Шунинг учун, умуман глобализация жараёни, хусусан “ахборот босими” глобализациянинг ижобий натижаларини – оммалаштириш, салбий оқибатларини – бартараф қилиш муаммолари, жаҳон ҳамжамияти диққат-эҳтибори марказига қўйилмоқда. Зеро, ахборот маданияти трансформацияси интенсивлашуви ва глобализацияси дунё халқлари ва давлатларининг барқарор тараққиёти шартидир. Яъни, ҳар қандай тарихий даврда ва жамиятда прогрессив фан², интеллектуал салоҳият, техника, инновацион технология ютуқларидан, замонавий ахборот трансформацияси коммуникацияси–усул- воситаларидан фойдаланиш, умуминсоний-глобал ахборот маданиятини ривожлантиришга олиб келади. Лекин, айнан шу усул-воситалардан муайян утилитар-меркантил эҳтиёж ва манфаатларни мутлақлаштириб фойдаланиш: антигуманистик, ғайриахлоқий “оммавий маданият” таҳдиди хавфини глобализацияси юбормоқда.

Ахборот маданияти глобализацияси мақсадида ҳам, фойдаланиш усул-воситаларида ҳам, натижаларида ҳам бир-бирига тубдан қарама қарши ижобий ва салбий жиҳатлари асосида жамият ахборот маданияти субъектларининг ижтимоий манфаатлари муқобиллиги ётади. Шу нуқтаи назардан, ахборот маданияти глобализацияси оқибатларини, инсоният цивилизациясига таъсир йўналишлари ва функционал аҳамиятини: *этика фанининг*–эзгулик ва ёвузлик; *эстетика фанининг* – гўзаллик ва хунуқлик; *иқтисодиёт фанининг* – фойда ва зарар; *сиёсатшунослик фанининг*–прогресс ва регресс; *теология фанининг*–гуноҳ ва савоб каби категориялари контекстида таҳлил қилиш, унинг мазмун-моҳиятини, функционал аҳамиятини комплекс-системали тасаввур қилишга олиб келади.

Бошқача қилиб айтганда, ахборот маданиятининг умуминсоният цивилизациясига: *позитив-ижобий* ёки *негатив-салбий* таъсир имкониятларини, йўналишларини, уларнинг глобализацияси тенденцияларини муайян жамият: эҳтиёжи, мақсади, манфаати нуқтаи назардан конкрет маҳаллий, миллий, ҳудудий даражалар контекстида ўрганиш – муаммога умумийлик, махсуслик ва алоҳидалик

² Фаннинг “прогрессивлиги” дейилганда, унинг эзгулик ва цивилизация келажаги манфаатлари йўлида фойдаланиш имкониятлари назарда тутилмоқда

тамойилига кўра ёндашиш, муҳим назарий-методологик ва амалий-праксиологик аҳамият касб этади.

Ахборот маданияти трансформацияси ва глобаллашуви жараёнини умуминсоний маънавий-ахлоқий нормалар, демократик ва гуманистик тамойиллар асосида: ташкиллаштириш, бошқариш ва назорат қилишнинг асосий мақсади, умуман маданиятни, хусусан *медиамаданият тизимини инсонпарварлаштиришдан* иборат. Зеро, назарий жиҳатдан, ҳар қандай глобал муаммо ечимига цивилизацион ёндашув тамойилига кўра, турли муқобил маданият назарияларининг ўзаро интеграциялашган-консенсус нуқтасини топиш, уларни амалиётда қўллашнинг нисбатан универсал методологиясини яратишга асос бўлади.

Умуман, фалсафий адабиётларда мунозараларга сабаб бўлаётган глобаллашув ижтимоий феноменига муқобил муносабатларни ахборот маданияти глобаллашуви нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, бу жараёнга нисбатан бир-бирига қарама қарши икки йўналиш–радикализм ва либерализм оқимлари шакланганлигини кўрамыз. Радикализм оқимига мансуб олимлар глобаллашувни янги типдаги жаҳон урушинингавж олиши [4], унинг “оммавий маданият”ни шакллантириши, миллатларни маънавий қашшоқлашувга, инқирозга олиб келиб, уларни ўзлигини англамайдиган манқуртларга–маргиналларга айлантириш имконияти[5], деган пессимистик хулосалар устуворлик қилади. Либерализм оқими таълимотларида, умуман маданият (цивилизациянинг муштарақлашган, мужассамлашган кўриниши сифатида), хусусан замонавий ахборот медиамаданияти трансформацияси ва глобаллашув жараёни–инсониятнинг умумий ривожланиш объектив қонунияти, унинг келажак истиқболини таъминлаш имконияти тарзида изоҳланади.

Лекин ахборот маданияти глобаллашувига, муайян манфаатларга кўра ёндашишлар, нисбатан муқобил таълимотлар тизими шаклланига асосий сабаб бўлса ҳам, уларни баҳолашнинг умуминсоний-императив мезонлари (халқаро ҳуқуқ нормалари, маънавий-ахлоқий тамойиллари, жамоатчилик фикри) шакланган ва ҳар қандай тарихий даврда ўзига хос функционал аҳамиятга эга бўлган. Бу мезонларни конкрет тарихий даврнинг: 1) иқтисодий муносабатлари ва сиёсий тизими характери; 2) маънавий-маданий ривожланиш даражаси ва миллий-ментал хусусиятлари; 3) этно-демонстрафик таркиби ва конфессионал тузилиши; 4) умуминсоний гуманистик-демократик тамойилларга ва халқаро ҳуқуқ нормаларига мос келиши ёки зидлиги нуқтаи назаридан баҳолаш керак.

Умуман глобаллашув жараёни, хусусан ахборот маданияти натижалари трансформациясининг **ретроспектив асослари, тарихий генезиси** тадқиқ қилинган адабиётларда, дастлаб бу жараён: ҳарбий-босқинчилик агрессиялари, дунёвий динлар тарқалиши ва бошқа салб юришлари, кейинчалик: иқтисодий, геосиёсий омиллар детерминлашуви, ахлоқий, маънавий, маданий омиллар устуворлашуви: ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий муносабатлар интеграциялашуви ва глобаллашуви билан боғлиқ, деган умумий хулоса чиқарилган[6].

Дарҳақиқат, инсониятнинг доимий ўсиб борадиган моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш, ҳаёт тарзини ўзгартириш, давлатларнинг халқаро сиёсий

мавқеини мустаҳкамлаш зарурияти, турли усул-воситалар билан ахборот маданиятини ривожлантириш ва глобаллаштиришга йўналтирилган ижтимоий фаолият қўламини, маконини кенгайтиришини тақозо қилган.

Ҳар қандай соҳадаги глобаллашувнинг: тарихий-объектив заруриятлиги ва субъектив-волютаристик усул-воситаларни қўллаб, зўравонлик билан амалга оширишни бир-биридан фарқлаш керак. Лекин ҳар қандай ижтимоий-сиёсий ҳодисанинг ривожланиши, муқаррар равишда, объектив қонунларга асосланишини ҳам, тасодифлар заруриятни намоён қилишини ҳам, субъектив омилларнинг устуволашув қонуниятини ҳам эътиборга олиш зарур.

Бунда умуминсониятнинг объектив эҳтиёжларидан келиб чиқиб, жамият ижтимоий манфаатлари умумийлигига, демократик ва гуманистик тамойилларига асосланган *“эркин глобаллашув”* ва муайян манфаатларга мос ҳарбий ёки сиёсий воситаларни қўллаш натижаси бўлган *“мажбурий глобаллашув”*, унинг мазмун-моҳиятини конкретлаштирган ва оқибатлари характерини белгилаб берган.

Ахборот маданияти глобаллашуви, *бир томондан*, умуминсоният эҳтиёжлари ва манфаатлари асосида миллий қадриятлар интеграциялашуви, интернационаллашуви, синтезлашуви ва универсаллашувини намоён қилади³. *Иккинчи томондан*, миллий ахборот маданияти умуминсоний маънавий-маданий қадриятларнинг таркибий қисми сифатида, барча маданият шакллари трансформациясида объект-субъект муносабатларини конкретлаштиради.

Шу асосларга кўра, ахборот маданияти глобаллашуви, муайян ахборот маконида миллий қадриятлар трансформациясининг *“технологик”* потенциалини намоён қилади ҳамда инсоният маданий муносабатлари интеграцияси босқичларини, глобаллашуви даражасини белгилайдиган асосий мезон ҳисобланади. Бунда ахборот маданияти натижаларининг глоизонтал ва вертикал йўналишлардаги трансформациясини, уларнинг асоси ва натижаси сифатида қараш керак.

Ахборот маданияти глобаллашуви турли халқлар, миллатлар маънавий-маданий қадриятлари интеграцияси, яъни маҳаллий, миллий, ҳудудий трансформацияси натижаси бўлса ҳам, уларнинг асосида умуминсоний универсал-интегротив маънавий қадриятларга эҳтиёж ва уни қондиришга йўналтирилган ахборот маданияти тизими ётади. Шу нуктаи назардан, дунё халқлари маънавий-маданий интеграциясининг ҳосиласи бўлган ахборот маданияти трансформацияси ва глобаллашуви, инсоният келажагини сақлаб қолишини детерминлаштирувчи асосий омилларидан бири ҳисобланади..

Бошқача қилиб айтганда, умуман оламшумул муаммоларни, хусусан, *“оммавий маданият”* эскалацияси олдини олиш ва оқибатларини бартараф этишда халқаро ҳамжамият ҳамкорлиги – муқобили бўлмаган аксиоматик объектив ҳақиқат ва турғун императив постулат мақомига эга. Зеро, глобал муаммолар ечими –

³ Шу ўринда миллий ахборот маданиятларнинг симбиози, бу кўрсатилган йўналишлардан фарқ қилишини, яъни уларнинг индивидуаллигини ва махсус илмий тадқиқот объекти бўлишига муносиблигини таъкидлаш жоиз.

дунёдаги барча давлатлар, халқаро ва минтақавий ташкилотлар ҳамда халқларнинг ахборот айрибошлаш сиёсатида ўзаро келишилган яқдил амалий ҳаракатларини тақозо қилади. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатномасида: “Дунё миқёсида манфаатлар кураши, рақобат тобора авж олиб, халқаро вазият кескинлашиб бормоқда. Биз келгуси йил учун амалий режалар тузар эканмиз, халқаро майдондаги ана шундай мураккаб вазиятни ҳисобга олган ҳолда, тараққиётимизнинг устувор йўналишларини аниқ-равшан белгилаб олишимиз зарур” [7] деган хулосаси бу соҳада ҳам халқаро ҳамкорликнинг аҳамиятини кўрсатади.

Ваҳоланки, ҳозирча турли миллат, давлат, минтақаларнинг утилитар-меркантил “ментал эҳтиёжлари”ни турли этноэгоистик, этноэгоцентристик хусусий сабабларни рўқач қилиб мутлақлаштирилишидан, уларни қондиришнинг потенциал имкониятларидан фойдаланмасликдан индивидуал манфаатдорлик мавжудлиги ҳаммага маълум. Шунинг учун ҳозирги давр глобал муаммолар тизимини ҳал қилишда: маҳаллий, миллий ва ҳудудий эҳтиёжлар, индивидуал манфаатлар эътиборга олинган ахборотлар ҳаққонийлигини, социологик маълумотлар репрезентативлигини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Бунда ахборот маданияти трансформациясини (оламшумул муаммолар ечимига муқобил ёндашувларни), умуминсоний гуманизм ва демократия тамойилларга кўра ташкиллаштириш, бошқариш ва назорат қилишнинг халқаро глобал институтлари имкониятларидан фойдаланиш масаласи, ҳозирча очиқ қолмоқда.

Халқаро ижтимоий-сиёсий, маънавий-мафкуравий муносабатлар кескинлашаётган ва глобаллашаётган шароитда: “цивилизациялар – диалог ва халқаро маданий алоқаларнинг янги даражаси”[8] ёки “иқтисодиёт ва сиёсат ривожланишининг олий босқичи, маданият ривожланишининг эса, бошланғич ҳолати”[9], деган таърифларни ахборот трансформацияси ва глобаллашувини цивилизацияларнинг салбий оқибатлари контекстида қарайдиган бўлсак, уларни бартараф қилишнинг назарий-методологик асослари аксарият ҳолатларда воқелиқдан ажралган, декларатив-утопик характерга эгаллигини кўрамай.

Чунки, умуман ҳар қандай маданият, хусусан ахборот маданияти трансформацияси ва глобаллашувини натижаларини умуминсоний гуманистик мазмуни ва демократик характерига кўра баҳолашнинг универсал мезонлари (масалан, миллий-ментал индивидуал хусусиятларининг умуминсоний мақсадига мувофиқлиги), ҳозирча, аниқланмаган. Шунинг учун ҳам ҳозир жаҳон жамоатчилигининг, умуман глобаллашув жараёнига муносабати бир-бирига тубдан қарама қарши бўлган: *глобалистлар* ва *антиглобалистларга* ажратилиши тасодифий эмас.

Шу нуқтаи назардан, юқорида кўрсатилган оқимлар таълимотларида (пессимистик-скептик руҳ устуворлигига қарамасдан) ахборот босими эскалацияси кишиларнинг тадрижий тарихий-тараққиёти давомида шакланган ҳаёт нормаларини, анъанавий ҳаёти ва тафаккур тарзини бузувчи – *аномал-паталогик глобаллашув* ва уларнинг оптимал ҳаёти асосларини таъминлаш имкониятиларини

яратувчи – **эффektiv-рационал глобаллашув** жараёнлари ҳақидаги фикрари муҳим назарий-методологик аҳамиятга эга [10].

Лекин, ахборот маданияти “аномал глобаллашув”нинг том маънодаги цивилизация билан умумийлиги, мутлақо шартли характерга эга. Хусусан, ахборот маданияти трансформацияси ва глобаллашувининг “эффektivлик” ва “рационаллик” мезонлари, миқдорий индекслари динамик ўзгарувчанлиги, уларга ижтимоий макон ва тарихий замон хусусиятларини эътиборга олиб, дифференциаллашган-индивидуал ёндашувни тақозо қилади.

Ўз вақтида Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислон Каримов “Юксак маънавият–енгилмас куч” деган асарида глобаллашув феноменининг давлатимиз учун ижобий ва салбий оқибатларини ҳар томонлама чуқур ёритиб “Ҳозирги пайтда унинг ғоят ўткир ва кенг қамровли таъсирини деярли барча соҳаларда кўриш, ҳис этиш мумкин. Айниқса, давлатлар ва халқлар ўртасидаги интеграция ва ҳамкорлик алоқаларининг кучайиши, хорижий инвестициялар, капитал ва товарлар, ишчи кучининг эркин ҳаракати учун қулайликлар вужудга келиши, кўплаб янги иш ўринларининг яратилиши, замонавий коммуникация ва ахборот технологияларининг, илм-фан ютуқларининг тезлик билан тарқалиши, турли кадриятларнинг умуминсоний негизда умумлашуви, цивилизациялараро мулоқотнинг янгича сифат касб этиши, экологик офатлар пайтида ўзаро ёрдам кўрсатиш имкониятларининг ортиши – табиийки, буларнинг барчасига глобаллашув туфайли эришилмоқда” [11], деб таъкидлаган эди.

Президенти Шавкат Мирзиёев эса “Буюк тарихда ҳеч нарса изсиз кетмайди. У халқларнинг қонида, тарихий хотирасида сақланади ва амалий ишларида намоён бўлади. Шунинг учун ҳам у қудратлидир. Тарихий меросни асраб-авайлаш, ўрганиш ва авлодлардан авлодларга қолдириш давлатимиз сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан биридир. Янги таҳдидлар, жумладан, “оммавий маданият” хавфи ва боқимандалик кайфияти пайдо бўлаётган, одоб-ахлоқ, кадриятларнинг йўқолиш хавфи юзага келаётган ҳозирги глобаллашув шароитида бу ғоят муҳим аҳамият касб этмоқда” бу хулосани ахборот маданияти глобаллашуви нуқтаи назаридан умумлаштириб кўрсатиб берди.

Дарҳақиқат, бир-бирини тўлдирувчи бу хулосаларни мазкур мақола мавзуси доирасида кўриб чиқсак, ахборот маданияти глобаллашуви: **биринчидан**, умуминсоният турмуши ва тафаккур тарзини глобал ташкиллаштиришнинг, ҳам усул-воситасини, ҳам асосини, ҳам натижасини ташкил этади; **иккинчидан**, миллий ахборот маданиятининг глобал цивилизацияга интеграциялашуви тарихий шакланган объектив шарт-шароитлар ва субъектив омиллар бирлигини тақозо қилади; **учинчидан**, ҳар қандай жамиятда ахборот маданияти глобаллашувига адекват ижтимоий-сиёсий муносабатлар тизими шаклланиши, унинг асосий мавжудлик шarti ва детерминлаштирувчи омилдир; **тўртинчидан**, ахборот маданияти глобаллашувининг инсон ижтимоий фаолияти соҳаларига таъсирини баҳолашда, унинг универсал регулятив функцияси ва реал имконияти нуқтаи назаридан қараш керак; **бешинчидан**, инсоният тарихининг ҳозирги босқичида

вужудга келган глобал муаммолар оқибатларини ахборот маданияти трансформациясини оқилона ташкиллаштириш ва бошқариш орқали бартараф қилиш ва олдини олиш мумкин.

Глобаллашув жараёнининг ижобий ва салбий оқибатлари ҳақидаги муқобил (ҳатто, бир-бирига зид дунёқарашлар), фалсафий таълимот субъектлари инсоният цивилизацияси келажакини сақлаб қолиш учун: иқтисодий ривожланиш даражасидан, халқаро сиёсий мавқедан, мафкуравий маслаҳидан, конфессионал мансублигидан этнодемографик таркибидан ва бошқа ижтимоий кўрсаткичларидан қаъий назар, умуминсоний мақсад доирасида ўзаро муросга келишга интиломоқда.

Бошқача қилиб айтганда, турли объектив ва субъектив сабабларга кўра ташкилий қийинчиликларга қарамасдан, *бир томондан*, умуман глобал муаммолар ечимида халқаро ҳамжамиятнинг декларатив чақириқлардан, этноэгоцентристик стереотиплардан воз кечиб, амалий фаолиятга ўтиш позицияси шаклланиб, умумий консенсусга келиш тенденцияси кузатиломоқда. Бироқ, *иккинчи томондан*, медиа ахборот технологияси ва коммуникация тизими ривожланиши, ахборот маданияти парадигмалари ва мафкуравий постулатларини ўзгартириб, инсоннинг глобаллашаётган дунё ижтимоий-сиёсий манзарасига маънавий-руҳий адаптация имкониятларини сусайтириломоқда.

Шунга кўра ҳозирги даврда ахборот маданияти глобаллашуви миллатлараро ва давлатлараро маънавий-маданий муносабатлар интеграциясини конструктив-рационал ташкиллаштириш, тарихий ахборот меросларини сақлаб қолиш ҳамда ижодий ривожлантириб авлодларга трансформация қилишдан иборат функцияни бажаради. Зеро, ҳар қандай цивилизациянинг субстанционал моҳияти ва атрибутив ҳодисаси бўлган маънавий-маданий муносабатлар замон билан ҳамнафас ўзгариб туради ва унинг характерини намоён қилади.

Бошқача қилиб айтганда, ҳар қандай тарихий даврда дунё халқлари ва давлатларининг маънавий-маданий муносабатлари кучайтириш ва ахборот айрибошлаш жараёнида: кадриятларини ижодий ривожлантириши ва ўзлаштиришини, умуман цивилизациялар, хусусан ахборот маданияти глобаллашувининг асосий тамойили, қонуниятлари сифатида эътироф қилиш керак. Зеро, цивилизациялар глобаллашуви ва маънавий муносабатлар интеграцияси – *универсал умуминсоний маданиятни* яратади ва унинг асосида ҳар қандай ижтимоий фаолият йўналишлари кристаллашади[12].

Бу ҳодиса, ўз навбатида, *биринчидан*, ахборот маданияти глобаллашувини ҳам, миллий ва умуминсоний кадриятлар интеграциясини ҳам, уларининг ижобий ёки салбий характерини ҳам белгилаб беради; *иккинчидан*, медиа ахборот маданияти глобаллашуви ва халқаро маънавий-маданий муносабатлар интеграцияси умуминсониятнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий соҳалардаги стратегик ҳамкорлик йўналишларини ҳам, тактик вазифаларини ҳам конкретлаштиради; *учинчидан*, айрим дунё давлатларнинг ахборот маданияти глобаллашуви тамойилларига амал қилмасликлари, уларнинг утилитар-меркантил этноэгоистик манфаатларини мутлақлаштиришлари оқибатидир; *тўртинчидан*, “оммавий маданият” эскалацияси ва глобаллашувида ахборот маданияти

“қашшоқлиги”, ношудлиги асосий субъектив омил ҳисобланади ва ундан манфаатдорликнинг натижаси, деб баҳоланиши керак.

Дунёда глобал барқарор ривожланишини таъминлаш, халқаро ижтимоий, иқтисодий, сиёсий муносабатларни интеграциялаштиришнинг бош стратегик мақсадини ташкил қилади. Чунки ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг миллий моделларини ахборот маданияти глобаллашуви ва ҳақаро маънавий-маданий муносабатлари интеграцияси жараёнларидан мустақил амалга ошириш мумкин эмас. Аксинча, глобал барқарор тараққиётнинг муқобил миллий моделлари ҳақидаги таълимотлар давлатлар ўртасидаги: ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий муносабатларни кучайтириш ва кенгайтириш заруриятини эътироф қилиш масаласида умумий хулосага келмоқдалар.

Фалсафа фани билиш назариясида турли муқобил таълимотларнинг *ўзаро муроа ва консенсусга мойиллик тамойилга* кўра, ахборот маданияти глобаллашуви халқаро ижтимоий-сиёсий муносабатлар тизими интеграцияси характерини, асосий ривожланиш тенденцияларини белгилаб бериши:

биринчидан, дунё давлатлари ва миллатлари ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий муносабат парадигмаларининг: умуминсоний универсал тамойиллари, халқаро ҳуқуқий асослари, маънавий-ахлоқий нормалари, сиёсий механизмлари шаклланиши;

иккинчидан, халқаро маънавий-маданий муносабатларни, ахборот айрибошлашни ташкиллаштириш, бошқариш ва назорат қилишнинг миллий, ҳудудий ва глобал институционал тизими структурасидаги функционал алоқадорлик кўлами кенгайтириши;

учинчидан, миллий менталитетга хос ва ахборот маданияти глобаллашувига мос: фан, техника, инновацион технология, интеллектуал салоҳиятга, умуминсоний-гуманистик ва демократик қадриятлар устуворлигини англашга интилиш кучайиши;

тўртинчидан, халқаро маънавий-маданий муносабатларда, глобал ахборот айрибошлаш инновацион технологияси ва коммуникациясини ривожлантиришда миллий давлатлар роли, мавқеи ва мақомининг мустаҳкамланиши билан боғлиқдир.

Ўз навбатида, бу омилларнинг самарадорлиги ҳар бир миллатнинг: тарихий ривожланган ментал хусусиятлари характерида, сиёсий тизимнинг демократик-ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуришга оид халқаро тажрибаларини умумлаштириш ва амалда фойдаланиш салоҳиятида намоён бўлади. Зеро, ҳозирги давр ахборот маданияти глобаллашувини ташкиллаштирувчи, бошқарувчи ва назорат қилувчи халқаро институционал тизимнинг: қонуний-ҳуқуқий асосларини, маънавий-ахлоқий нормаларини, ҳаракатлантирувчи сиёсий механизмларини, техник-технологик асосларини, умуман жараён барқарорлигини детерминлаштирувчи ташкилий объектив шарт-шароитлар ва субъектив омиллар уйғунлигини таъминлашни тақозо қилади.

Умумлаштириб айтганда, медиа ахборот маданияти трансформацияси ва глобаллашувининг жамиятга таъсир йўналишлари самарадорлигини ошириш ва имкониятлари реализацияси:

биринчидан, ҳар қандай миллий давлатнинг, юқорида кўрсатилган соҳада, халқаро мавқеи характери ва мақоми даражаси, унинг жаҳон ҳамжамиятида: ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий ҳамкорликдан манфаатдорлигига;

иккинчидан, тарихий шакланган миллий ахборот маданияти тарихий кадриятлари меросини сақлашига, дунё халқлари тажрибаларини ижодий ривожлантирувчи трансформация шарт-шароитлар ва субъектив омиллар етуқлигига;

учинчидан, ахборот маданияти глобаллашувиг эҳтиёжларинини объектив характерини, заруриятини, имкониятларини англаб, ривожланиш тенденциясини, трансформация йўналишларини прогнозлаштириш стратегик вазифаларини белгилашга;

тўртинчидан, умуминсоний ва миллий ахборот кадриятлари интеграциясини, глобал ахборот маданиятини ривожлантиришнинг халқаро институционал тизимини, конструктив усулларини, рационал воситаларини, инновацион технологиясини яратишга;

бешинчидан, ахборот маданияти глобаллаштирувчи миллий, минтақавий субъектлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи ва уйғунлаштирувчи бошқарув тизимининг сиёсий механизмларни демократиялаштиришга боғлиқ бўлади.

Шу нуқтаи назардан, мафкуравий қарама қарши қутбли дунёнинг барҳам топиши ва барча ижтимоий-сиёсий муносабатларда халқаро ҳамкорликнинг янги формати шаклланиши, назарий жиҳатдан, ахборот маданияти трансформацияси ва глобаллашуви билан боғлиқ цивилизация салбий оқибатларини бартараф қилишга асос бўлиши керак эди. Ваҳоланки, вужудга келган глобал ижтимоий-сиёсий борлиқнинг ривожланиш тажрибалари замонавий цивилизациялар натижаси бўлган глобал муаммолар эскалацияси хавфини кучайтириб юбормоқда.

References:

1. SH.Mirziyoev. Niyati ulug' xalqning ishi ham ulug', hayoti yorug' va kelajagi farovon bo'ladi. T., O'zbekiston. 3.t.B-320
2. Ome.K. Bezgranichniy mir.–M.;, 1991.–S.29-30.
3. Aksyumov B.V. «Stolknovenie sivilizatsiy» kak konflikt mejdu traditsionnostyu i sovremennostyu. // «Identichnost i dialog kultur v epoxu globalizatsii». Materiali Mejdunarodnoy nauchno-prakticheskoy konferensii. Bishkek, 2007. S. 9-10.
4. http://uz.infocom.uz/more.php?id=207_0_1_0_M
5. Otamurodov S. Globallashuv va millat. Toshkent. "Yangi asr avlodi", 2008. -201 bet
6. Yuldasheva F. Metodologicheskie problemi issledovaniya protsessa globalizatsii. // Ijtimoiy fikr. Inson huquqlari. 2008. № 2. 70-71 betlar.
7. Sh.Mirziyoev. Niyati ulug' xalqning ishi ham ulug', hayoti yorug' va kelajagi farovon bo'ladi. T., O'zbekiston. 3.t.B-5

8. Maxkamova D. Sentralnaya Aziya i strani Vostoka na puti sotrudnichestva i dialoga kultur. // Ijtimoiy fikr. Inson huquqlari. 2004. № 2. S.20.
9. Adilxodjaeva S.M. Globalizatsiya i vopros ustoychivogo razvitiya gosudarstva. // O'zbekistonda ijtimoiy fanlar. 2008 № 3. S.55.
10. Kuznetsov V. Geokultura. Osnovi geokulturnoy dinamiki bezopasnosti v mire XX1vek: kultura set. M., Kniga i Biznes, 2003. S. 416.
11. Karimov I. YUksak ma'naviyat–engilmas kuch.T., Ma'naviyat. 2008. B-111-112.
12. Xantington S. Stolknovenie sivilizatsiy.-S. 409.

МУНДАРИЖА**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ****01.00.00****ФИЗИКО-МАТЕМАТИЧЕСКИЕ НАУКИ****PHYSICAL AND MATHEMATICAL SCIENCES**

- 1 Visual c# da razryadli operatsiyalar.
Temirov O.M..... 3
- 2 Java dasturlash tilida abstrakt sinflar
Holmirzayev H.E..... 6
- 3 Ўнг томони номаълум ва коэффициенти узулишга эга бўлган биринчи тартибли
чизиқли оддий дифференциал тенглама учун масалалар
Тиллабаева Г.И..... 10
- 4 Matematika darslarida muammoli ta'lim
Alixanov O.O..... 15
- 5 О некоторых задачах теории одномерной бифуркации
Тухтасинов М,Кушақов Х.Ш 20

КИМЁ ФАНЛАРИ**02.00.00****ХИМИЧЕСКИЕ НАУКИ****CHEMICAL SCIENCES**

- 6 Карбоксиметилцеллюлоза: олиниши, айрим физик – кимёвий хоссалари,
ишлатилиши (обзор)
Сайпиев Т.С..... 27
- 7 N-vinilpirrolidon asosida suvda eruvchan sopolimerlar sintez qilish va ular
makromolekulalarining kompozitsion tuzilishini o'rganish
Toshmatov Y.R., Dexqonov R.S.,Boydedayev. A.A..... 39

БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ**03.00.00****БИОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ****BIOLOGICAL SCIENCES**

- 8 Far1 Related Sequence (FRS) генлар оилас ининг вакили frs10 гени g.hirsutum
туридаги функсиясини рнки технологияси ёрдамида ўрганиш.
Усманов Д.Э, Буриев З.Т, Абдукаримов Ш.С, Собиров Б.М, Мухторов А. Т..... 46
- 9 Кўхитанг тизмаси флораси таркибидаги ziziphora l. туркуми турларининг
биоэкологияси
Ибрагимов А.Ж,Батошов А.Р,Каримов Б.А,Мирзаев С.И 50

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ**05.00.00****ТЕХНИЧЕСКИЕ НАУКИ****TECHNICAL SCIENCES**

- 10 Интернет самарали коммуникация канали сифатида
Бекназаров К.Т..... 54

ТАРИХ ФАНЛАРИ**07.00.00****ИСТОРИЧЕСКИЕ НАУКИ****HISTORICAL SCIENCES**

11	XX asrning 60-80-yillarida namangan viloyati xalq ta'limi tizimi: muammolar va yutuqlar Mamasaidov L. P.....	60
ФАЛСАФА ФАНЛАРИ		
09.00.00 ФИЛОСОФКИЕ НАУКИ		
PHILOSOPHICAL SCIENCES		
12	Tarixiy taraqqiyotda ayollarning o'rnini Mamatov O.V.....	64
13	Миллий байрамларда санъат турларининг ифодаси Шадиметова Г.М.....	67
14	Замонавий санъатларда янги эстетик мезонларнинг вужудга келиши Кадирова Д.С.....	72
15	Мақом куйларининг фалсафий-эстетик моҳияти Нуруллаева З.С.....	78
16	Ахборот медиамаданияти трансформацияси ва глобаллашуви Кодиров Н.М.....	83
17	Ренессанс даври мутафаккирлари оилавий муносабатларда поклик ва гўзаллик ҳақида Хандамова М.....	93
18	Полифункционаллик халқ қабулхоналарининг ўзига хос хусусияти сифатида Айтбоев М.Ю.....	99
19	Оиланинг жамиятдаги роли ва ижтимоий функциялари Абдуллаева Н.....	103
20	Инновация фалсафасининг ижтимоий функционал хусусиятлари Ходжаев С.Б.....	108
21	Бохарзий ва унинг вақф ерлари Норова М.Ф.....	113
22	Туркистон “Янги усул” мактабларида таълим жараёнининг ташкил этилиши ва ундаги гендер муаммолари Намазова Ю.М.....	121
23	Аҳмад Заки Валидийнинг тарих фалсафаси Хужаев М.И.....	126
ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ		
10.00.00 ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ		
PHILOLOGICAL SCIENCES		
24	The Role of stylistics in linguistics and literature Umrzaqov I. I.....	133
25	Девону Луғотит Турк” асарида қўлланган шахс номлари гуруҳига оид лексемаларнинг семантик хусусиятлари Розикова Г.З.....	136
26	О‘zbek tiliga o‘zlashgan arabcha leksemalar va ularning badiiy asarlarda qo‘llanilishi Rahmatullayev.Y.....	142
27	Замонавий таълим тизимида касбий компетентликни модуллаштиришмоҳияти	

Абдиева С.М.....	146
28 Qo'shma gaplarda shakl va mazmun Ahmedova N.Sh.....	151
29 Краткий обзор по историю изучения терминов родства в узбекских и английских языках Каримова В.....	156
30 O'zbek adabiy tili uslublarining shakllanishi Vabaxanova D.A.....	163
31 Йўл мотиви ҳақида Қўчқаров О.....	169
32 Жаҳон тилшунослигида диний функционал услубнинг ўрганилиши Юсупова Ш.Т.....	173
33 Жек лондоннинг исёнчи асаридаги воқеаликни тасвирлаш хусусиятлари Najmiddinov J, Bahodirov A.....	179
34 Johann Wolfgang Gytoring "Yosh Verterning iztiroblari" romanida poetonimlar talqini Vozorova R.Sh.....	182
35 "Алпомиш" библионими ва бош тимсол исми, лақаби хусусида Улуқов Н, Юнусова Б.....	186
36 Наманган қипчоқ шевалари ва этнослараро жараёнлар Дарвишов И.Ў.....	190
37 Grammatik ko'rsatkichlarning o'zlashtirilishida aniqlik darajasi (O'zbek tilini o'rganayotgan koreyslar misolida) Saidaxmedova O.I.....	197
38 Перевод понятий означающие национальных конвенций, традиций и обряд Самандаров . Ш.С.....	202
39 Принцип вежливости в речевом общении. Саидова М.Ш, Холматова Г.И.....	205
40 Адабиёт ва прагматика Раҳимов У.Э, Махаммаджлонов Н.Д.....	209
41 Хикматли сўзлар таржимасида қофияни сақлаш Абдуллажанов А, Мамадалиев Э.....	214
ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ	
11.00.00 ГЕОГРАФИЧЕСКИЕ НАУКИ	
GEOGRAPHICAL SCIENCES	
42 Фарғона водийси дарёлари оқимининг иқлим илишига реакцияси Солиев И.Р., Ғулумжонов Д.....	219
ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ	
13.00.00 ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ НАУКИ	
PEDAGOGICAL SCIENCES	
43 Готовность будищих педогогов как основной фактор успешности инклюзивного образования Сатторов М, А.....	225

44	Педагогик стратегия - олий таълим муассасаси битирувчисининг рақобатбардошлигини шакллантиришнинг концептуал асоси Эргашев Б.Б.....	229
45	Таълимда ахборот коммуникацион технологияларидан фойдаланиш афзалликлари Ниязова Н.А.....	234
46	Олий таълим муассасалари ўқув-тарбия жараёнида фанларичра ва фанлараро интеграциясини таъминлашнинг педагогик-психологик масалалари Жуманов А.А.....	237
47	Мактабгача таълим ташкилотларини инновацион ривожлантириш муаммолари Абдуназарова Н.Ф, Хамдамова М.Т, Парманов Ж.А.....	242
48	Физика ўқитувчиларининг таълимга инновацион ёндашуви Бекназаров З.Ф.....	245
49	Тухника йўналишиндаги мутахассис компетентлигининг модели Даминов О.О.....	250
50	Олий таълим муассасаларида замонавий инновацион технологияларини қўллашнинг ўзига хослиги ва хусусиятлари Исмаилова З.К, Химматалиев Д.О.....	257
51	To actual directions of development of export of fruit and vegetable products in Uzbekistan Avulchaeva F.....	261
52	The significance of cultural awareness in second language learners' classroom Umirzakova D.A.....	264
53	Boshlang'ich sinf o'quvchilarini kommunikativ kompetensiyasini shakllantirish yo'llari Jo'rayeva T.U, Shamirova Y.K	268
54	Role of peer observation in foreign language teaching Jalolov Sherali, Botirova Z.X.....	274
55	Ingliz tilni o'rgatishda mnemonik usullardan foydalanish Yunusova Y.B.....	278
56	Талаба ёшлар соғлом турмуш тарзини шакллантириш масаласига қадрият сифатида қарашни тарбиялаш муаммолари Назаров А.Т.....	281
57	“Олий таълим муассасалари ўқув–жисмоний машғулотлар жараёнини ташкиллаштиришда blended learning концепциясидан фойдаланиш орқали таълим сифатини ошириш” Махкамов А.Ю.....	284
58	Ўқувчиларнинг геометриядан ўқув фаолиятини фузионизм ғояси асосида такомиллаштириш йўллари Ғойибназарова Г.Н, Джураева Ш.К.....	288
59	Мактабгача таълим муассасаларини сифат жиҳатдан такомиллаштириш Ибрагимова Г.Н.....	293
60	8-синф физика курсининг “электр заряд. электр майдон” бобини ўқитиш Зоҳидов И.О, Каримова Р.К, Умаров А.О.....	298

61	Таркибида сирт фаол модда тутган учкарбамид хлорат натрий дефолиантини олиш жараёнини ўрганиш Умиров Ф.Э, Худойбердиев Ф.И, Номозова Г.Р, Закиров Б.С.....	303
62	Ижтимоий-эмоционал кўникмалар шаклланишининг педагогик-психологик омиллари Раҳимова М.А.....	311
63	Ҳамкорлик педагогикасининг узлуксиз таълим тизимидаги инсонпарварлашув хусусиятлари Ўринова Ф.Ў, Усмонова Ш.Ё.....	317
64	Чақириққача ҳарбий таълим бўйича мутахассисларни шакллантиришнинг долзарб масалалари Хасанов А.Т, Юсупов Т.Т.....	323
65	Мобиллик-олий педагогик таълимни модернизация қилиш сифатида Эшназарова М.Ю.....	327
66	Бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларида касбий муҳим сифатларни шакллантириш педагогик жиҳатлари Қодиров М.М.....	332
67	Бошланғич таълимда прагматик ёндашув асосида матн ўқишнинг ўзига хос хусусиятлари Йўлдашева Д, Буважонова М.....	338
68	Бошланғич таълимда интеграциялашган ўқитишнинг аҳамияти Рустамова Д.....	341
69	Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларни нутқ маданиятини шакллантиришда китоб ва унинг аҳамияти Ўринова Ф, Сидикова З.....	344
70	Технология использование метода кейс-стади при изучении компьютерной графики. Отабаева Ф.Т.....	348
71	Pedagogik tajribalarni to'plash va ommalashtirish tizimi Mo'minova G, Insarova G,.....	355
72	Талабаларнинг мустақил таълим фаолиятини ривожлантириш- ўқув жараёнининг асоси Мўминов З.О.....	359
73	Innovatsiya ta'limning muhim elementidir. Madaminov F.Sh.....	367
74	Intellectual kompyuter o'yinlari yordamida individual matematik ta'limni yo'lga qo'yish Najmiddinova . N.Y.....	373
75	Футболчиларни эмоционал ҳолатларини аниқлашнинг методик хусусиятлари Сатиев Ш.К	378
76	Бўлажак ўқитувчиларнинг мустақил фикрлаш маданиятини ривожлантириш моделини такомиллаштириш. Қамбаров М.М	384

77	Содержание и структура учебников по методике обучения языкам Габдулхаков Фарид Ахунович.....	391
	ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ PSYCHOLOGICAL SCIENCES	
	19.00.00	
78	Оилада болаларнинг ижтимоий- ахлоқий сифатларини шакллантириш омиллари Ортиқова З.Н.....	395
	СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ СОЦИОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ SOCIOLOGICAL SCIENCES	
	22.00.00	
79	Маънавий тарбия ва тарихий онг Махкамов Қ.О.....	398